

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ҳ У К М

2022 йил декабрь ойининг 14 куни, жиноят ишлари бўйича Қарши туман суди, ўз биносида ёпиқ суд мажлисида, раислик қилувчи: туман суди раиси [REDACTED], судья ёрдамчиси [REDACTED] нинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Қарши туман прокурорининг ёрдамчиси [REDACTED], судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси адвокат [REDACTED] ва жабрланувчи [REDACTED] нинг иштирокида, [REDACTED] га оид 1-1802-2201/193-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

[REDACTED] – 1994 йил 6 сентябрда Миришкор туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти тугалланмаган олий, оилали, 1 нафар фарзанди бор, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, Миришкор тумани, “Жейнов” МФЙда яшайди, муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат эҳтиёт чораси қўлланган, айблов хулосаси нусхасини 2022 йил 9 декабрда олган, Ўзбекистон Республикаси ЖК 113-моддасининг 4-қисми билан айбланган.

Суд судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Судланувчи [REDACTED] ОИВ касаллиги билан касалланиб, 2020 йил 4 сентябрь куни Қашқадарё вилоят ОИТСга қарши кураш маркази томонидан рўйхатга олиниб, марказ томонидан “Шахсни ўзга шахсларга ОИВ инфекциясини юқтурганлик учун жинойий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантириш ВАРАҚАСИ” билан огоҳлантирилишига, марказ томонидан ОИТС касаллиги билан касалланган шахсларни амал қилиши лозим бўлган қоидалар ва Ўзбекистон Республикасининг “Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қараши курашиш тўғрисида” ги қонун билан танишитирилиб, бошқа шахсни ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтириш ҳавфи остида қолдириш ёки унга юқтирса жинойий жавобгарликга тортилиши ҳақида огоҳлантирилишига қарамасдан, огоҳлантириш варақасида кўрсатилганидиск жинсий алоқа вақтида ҳимоя воситасидан фойдаланиши шартлиги кўрсатилган бўлсада, турмуш ўртоғи [REDACTED] билан 2020 йил сентябрь ойидан 2022 йил июнь ойига қадар ҳимоя воситасидан фойдаланмасдан жинсий алоқада бўлиб келиб, 2021 йил 29 август куни қиз фарзандли бўлиб, [REDACTED] ОИВ касаллигини, ОИТС



(орттирилган иммунитет танқислиги синдиروми) ни юқтириш хавфи остида қолдирган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирли Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Қашқадарё филиалининг 2022 йил 21 сентябрь кундаги 3392/316-Хам-сонли хулосасида “ ██████████ ҳозирги вақтда ОИТС касаллиги билан касалланган”, -деб кўрсатилган.

Судланувчи ██████████ суд мажлисида айбига иқрорлик билдириб, ██████████ билан бир неча йиллар илгари бир-бирлари кўнгил қўйишганлари сабабли 2017 йил февраль ойида у билан унаштирилгани, 2020 йил 28 август кунига никоҳ тўйлари бўлиши белгилангани боис ФХДЁО бўлими орқали никоҳларини қайд этиш мақсадида 2020 йил 26 август кунини ФХДЁО бўлимига никоҳларини қайд этириш мақсадида борганларида у ердан тиббий кўрикдан ўтишлари учун йўлланма беришгани, ██████████ билан тиббий кўрикдан ўтиб, қон намуналарини ҳам топширишгани, 2020 йил 27 август кунини туман поликлиникасидан кўнғироқ қилишиб чақириб, у ерга борганида шифокорлар қон намунаси яхши чиқмагани, шу боисдан Касби туман ОИТСга қарши кураш марказига бориб, у ердан қайтадан қон намунасини текширтириши кераклигини айтишгани учун Касби туманида жойлашган ОИТСга қарши кураш бўлимига бориб, қон намунасини топширгани, улар қон намунасини текшириб кўришиб қонидан ОИТС касаллиги аломатлари борлигини айтишиб, Қарши шаҳридаги ОИТСга қарши кураш марказига бориб кўрикдан ўтишни тавсия қилишгани сабабли Қарши шаҳридаги ОИТСга қарши курашиш марказидан кўрикдан ўтиб, қон намунаси топширгани, у ердаги шифокорлар олинган қон намунасини лаборатория текширувидан ўтказиш учун Тошкент шаҳрига юборишларини, 4-5 кун ичида жавоби чиқишини айтишгани, 2020 йил 28 август кунини ██████████ билан никоҳ тўйлари бўлиб ўтгани, никоҳлари ФХДЁО бўлимидан қонуний қайд этилмагани боис маҳалла имоми никоҳ ўқимагани сабабли онаси ██████████ билан бирга ётишга ва у билан жинсий алоқа қилишларига розилик беришмагани, 2020 йил 4 сентябрь кунини вилоят ОИТСга қарши курашиш марказига чақириб, унда ОИТС касаллиги борлиги аниқланганини айтиб, ОИТСга чалинган шахс сифатида рўйхатга олишиб, “шахсни ўзга шахсларга ОИТС инфекциясини юқтирганлик учун жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантириш варақаси” билан таништиришиб, тилхат олишгани, шифокорлар жинсий алоқа вақтида ҳимоя воситасидан фойдаланиб, жинсий алоқада бўлиши кераклигини, шахсий гигиена қоидаларига амал қилиши кераклиги, марказга келиб даволаниши лозимлигини айтишгани, вилоят ОИТСга қарши курашиш маркази томонидан рўйхатга олинганидан сўнг яшаш уйига қайтиб келиб, унда ОИТС касаллиги аниқлангани ҳақида турмуш ўртоғи ██████████ га айтгани, ██████████ ҳамшира бўлгани боис бу



ҳолатни тушуниб бирга яшашларига қаршилик билдирмагани, орадан 10 кунлар ўтиб, [REDACTED] нинг розилиги билан ҳимоя воситасидан фойдаланган ҳолатда у билан жинсий алоқада бўлиб келгани, орадан 2 ойлар вақт ўтгач эса [REDACTED] фарзандли бўлишни хоҳлаётганини айтгани боис унинг розилиги билан ҳимоя воситасиз жинсий алоқада бўлиб келгани ва [REDACTED] хомиладор бўлгани, 2021 йил 29 август куни қиз фарзандли бўлишгани, [REDACTED] билан 2022 йил июнь ойига қадар бирга яшаб жинсий алоқада бўлиб келишгани, шундан сўнг ўрталарида ўзаро оилавий келишмовчиликлар бўла бошлагани боис [REDACTED] у билан бирга яшамаслигини айтиб, фарзандини олиб, ота-онасини уйига кетиб қолгани, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги ҳақида кўрсатув бериб, оилавий аҳволини ҳисобга олиб энгиллик беришни сўради.

Жабрланувчи [REDACTED] суд мажлисида, [REDACTED] билан 2017 йилда унаштирилгани, 2020 йил 28 август кунига никоҳ тўйлари бўлиб ўтиши муносабати билан никоҳларини қонуний тартибда қайд эттириш мақсадида 2020 йил 26 август куни иккаласи ФХДЁО бўлимига бориб ариза беришгани, ФХДЁО ходимлари тиббий кўрикдан ўтишлари учун йўлланма беришгани, иккаласи биргаликда тиббий кўриклардан ўтишгани, бироқ [REDACTED] нинг тиббий текширув натижалари ўз вақтида сиқмагани боис қонуний никоҳлари қайд этилмаган бўлса-да, 2020 йил 28 август куни никоҳ тўйлари бўлиб ўтгани, шаърий никоҳлари ҳам ўқилмагани боис 15-20 кунлар давомида [REDACTED] билан алоҳида-алоҳида яшаб келишгани, 2020 йил сентябрь ойининг ўрталарида қанотаси [REDACTED] ва қайнонаси [REDACTED] шаърий никоҳларини ўқиб қўйишгани, шундан сўнг [REDACTED] билан бирга ётиб, жинсий алоқада бўлиб келишгани, жинсий алоқалари ҳимоя воситасисиз бўлгани, орадан 3 ойлар вақт ўтгач хомиладор бўлгани, 2021 йил 25 март куни никоҳларини қонуний тартибда қайд эттириш мақсадида ФХДЁО бўлимига бориб ариза топшириб, туман поликлиникасига тиббий кўрикдан ўтиш мақсадида борганларида у ерда бўлган шифокорлар турмуш ўртоғи [REDACTED] 2020 йил 4 сентябрь куни ОИТС касаллигига чалинган шахс сифатида вилоят ОИТС маркази томонидан рўйхатга олингани ҳақида маълум қилишгани, шифокорларга бундан хабари йўқлиги ва хомиладор эканлиги ҳақида айтгани, шифокорлар [REDACTED] билан ўз хоҳиши билан никоҳдан ўтганлиги ҳақида тилхат ёздириб олишгани, шундан сўнг уларнинг никоҳлари қонуний тартибда қайд этилгани, [REDACTED] нима сабабдан ОИТС касаллигига чалингани ҳақида унга айтмасдан уйланганини сўраганида [REDACTED] ўзи ҳам никоҳ тўйларидан бир икки кун илгари касалликка чалинганини билганини айтгани, 2021 йил апрель ойида [REDACTED] ҳамда унинг ота-онаси билан вилоят ОИТС марказига боришганларида у ердаги шифокорлар ҳам турмуш ўртоғи [REDACTED] 2020 йил 4 сентябрь куни ОИТС касаллигига чалинган



шахс сифатида рўйхатга қўйилгани, унга шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш, ҳимоя воситаларисиз жинсий алоқа қилиши тақиқлангани ва у бу ҳақида огоҳлантирилгани ҳақида маълум қилишиб, ундан [REDACTED] унинг касаллигини билмасдан турмушга чиққани, [REDACTED] доимий равишда у билан ҳимоя воситасиз жинсий алоқада бўлиб келгани ва хомиладор ҳам экани тўғрисида маълум қилгани, [REDACTED] билан 2022 йил июнь ойига қадар бирга яшаб, ҳимоя воситаларсиз жинсий алоқада бўлиб келгани, шундан сўнг оилавий низолари туфайли фарзандини олиб, ота-онасини уйига кетиб, уларни уйида яшаб келаётгани ҳақида кўрсатув бериб, судланувчига нисбатан қонуний чора кўришни сўради.

Гувоҳ [REDACTED] суд мажлисида, жабрланувчи [REDACTED] қизи эканини баён қилиб, унинг кўрсатувиغا ўхшаш мазмунда кўрсатув берди.

Гувоҳ [REDACTED] судланувчи [REDACTED] ўғли, [REDACTED] эса келини экани, 2020 йил 28 август куни ўғли [REDACTED] ва келини [REDACTED] ларнинг никоҳ тўйлари бўлиб, турмуш қуришгани, бироқ ўша вақтда ўғли ва келини қонуний никоҳдан ўтиш учун тиббий кўрикдан ўтишган бўлса-да, бироқ ўғлининг тиббий текширув натижалари кечиккани боис уларнинг қонуний никоҳлари қайд этилмасдан қолгани, 2020 йил сентябрь ойининг бошларида ўғли [REDACTED] ОИТС касаллигига чалингани ва вилоят ОИТС марказига ҳисобга олингани ҳақида билгани, бу вақт давомида ўғли ва келини бирга яшаб келишиб, келини хомиладор бўлиб, 2021 йил август ойида фарзандли бўлгани, келини [REDACTED] вилоят ОИТС марказидан тиббий кўрикдан ўтганида унда ОИТС касаллиги аниқланмагани ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ [REDACTED] суд мажлисида, судланувчи [REDACTED] ўғли эканини маълум қилиб, гувоҳ [REDACTED] кўрсатувиغا ўхшаш мазмунда кўрсатув берди.

Судланувчи [REDACTED] айби, ўзининг иқрорлик билдириб берган кўрсатуви, судда сўроқ қилинган жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатуви, [REDACTED] ОИТС касаллигига чалинган шахс сифатида рўйхатга олингани ҳақидаги тиббий ҳужжатлар нусхаси, суд тиббий экспертизасининг хулосалари ҳамда жиноят ишида мавжуд барча далиллар билан ўз тасдиғини топди.

Суд, судланувчи [REDACTED] била туриб, [REDACTED] ОИВ касаллигини юқтириш хавфи остида қолдиришда ифодаланган жинсий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖК 113-моддасининг 4-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд судланувчи [REDACTED] га нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда, унинг айбига иқрор ва қилмишидан пушаймонлиги, муқаддам судланмагани ва оилавий аҳволини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, унинг ҳаракатларида жазони оғирлаштирувчи



ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, бироқ жабрланувчининг унга нисбатан қонуний чора кўриш ҳақидаги қатъий талаби борлигини инобатга олиб, озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, шу билан бирга жабрланувчи билан ўрталарида бир нафар вояга етмаган фарзанди борлиги, жабрланувчига ва фарзандига касаллик юқмаганини содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини жиддий камайтирувчи ҳолатлар эканлигини инобатга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллашни лозим топди.

Шунингдек, суд жабрланувчи [REDACTED] етказилган моддий ва маънавий зарарлар бўйича далиллар тақдим қилмагани сабабли унга келгусида тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида даъво қилиш ҳуқуқи мавжудлигини тушунтиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 473-474-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Судланувчи [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖК 113-моддасининг 4-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин.

Унга Ўзбекистон Республикаси ЖК 113-моддасининг 4-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 2 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони ўташ муддати 2022 йил 14 декабрь кунидан бошлаб ҳисобланиб, умумий тартибли колонияларда ўтаттирилсин.

Эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, [REDACTED] дарҳол суд залида қамоққа олинсин.

Жабрланувчи [REDACTED] етказилган моддий ва маънавий зарарлар бўйича тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда келгусида фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида даъво қилиш ҳуқуқи мавжудлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб 20 сутка ичида шу туман суди орқали Қашқадарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят келтиришга ёки прокурор протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи: [REDACTED]

